

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИ

● 2002 йил, 17 январь, пайшанба № 8 (1584).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 17 января, 2002 г. № 8 (1584).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига

Хурматли ватандошлар!  
Қадри дўстлар!

Сизларни ва бутун кўп-миллатли Ўзбекистон халқини Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг ўн йиллиги муносабати билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Ҳар бир давлат, ҳар қайси мамлакатнинг тараққиёт даражасини, ҳалқаро майдондаги обрў-эътиборини белгилашда, аввало, ундаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликнинг нечоғли мустақам экани асосий мезон бўлиб хизмат қилиши барчамизга яхши маълум.

Шу муносабат билан мен сизларга мурожаат қилиб, алоҳида гуруҳ ва ифтихор билан таъкидлаб айтишчманки, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу — жамиятимизда ҳимм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.

Бугунги кунда дидоримизда яшайётган, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган юздан ортиқ миллат ва элат вакилларининг давлатимиз мустақиллигини мустақамлаш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш ишига муносиб ҳисса қўшаётгани ҳам бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Авалдан мана шу қадимий ва муқаддас Ўзбекистон замида турли маданият ва цивилизациялар вакиллари ундо ундо дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келгани қадимий табиғатга хос бўл-

ган меҳр-оқибатлик, тинчликсеварлик, очиқлик ва саховатпешалик каби ноёб фазилатларнинг янада кучайишида муҳим омил бўлди, десак асло хато бўлмайди.

Ҳозирги мураккаб ва нотинч дунёда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида, бизнинг демократик жамият қуриш йўлидаги интилишларимизда бундай бебаҳо фазилатлар, айниқса, бағрикенглик нечоғли муҳим ўрин тутганини изохлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугун онгу тафаккуримиздан янада чуқур жой олаётган ватанпарварлик туйғуси бизга бекиб кучуқват бахш этмоқда, узоқни кўра билишимизга, ўз кучимизга ишончимиз ортишига кўмаклашмоқда. Бу туйғу, аждодларимизнинг ҳаётида бўлгани каби, даврнинг манақатли синовларини биргаликда ениб ўтишда, турли хавф-хатар ва таҳдидларга мардона қарши туришда ҳозирги авлодлар учун ҳам руҳий мадад бўлмоқда.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати, ҳаммаимизнинг умумий хонадонимиз. Шундай экан, биз бу саховатли юрт бойликларини сақлаш ва кўпайтириш билан бирга, энг муҳими, ўзаро тотувлигимизни, ягона мусоффо осмон остида яшайдиган барча миллат ва элатлар асрлар давомида эъзозлаб келаётган, барчамизнинг руҳан бойишимизга хизмат қиладиган маънавий ва ахлоқий қадриятларни доимо ёдда тутиш, кўз қорачигидек асраш лозимли-

гини асло унутмаслигимиз даркор.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда истиқомат қиладиган ҳар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий-маданий марказларнинг фаолиятини ривожлантириш учун бугун барча шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратар эканмиз, бу билан биз одамларнинг тинч ва осойишта ҳаёти, эртанги кунга ишончининг мустақам пойдеворини бунёд этган бўламиз.

Мен сизларнинг турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстликни мустақамлаш, одамлар ҳаётини янада бой ва мазмулли қилиш борасида олиб бораётган хайрли фаолиятингизни бундан буён ҳам собитқадмлик билан давом эттиришингизга қатъий ишонаман.

Ота-боболаримиздан бизга муқаддас мерос бўлган ягона Ватан туйғуси келажак авлодларимиз учун ҳам асрлар оша энг олий ҳақиқат бўлиб қолсин.

Барчангизга халқ фаровонлиги йўлида амалга ошираётган олижаноб ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Қадрдонларим, сизларга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ёр бўлишини, янги йилда барча истакларингиз рўёбга чиқишини тилаб қоламан.

Ислоҳ **КАРИМОВ**,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.

## АФҒОНИСТОНДА УЗБЕКИСТОН БОШ КОНСУЛХОНАСИ ОЧИЛДИ

15 январь куни Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг бош консулхонаси очилди. Шу муносабат билан шаҳар марказидаги Тавосот кўчасида жойлашган консулхона биносида Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари, шаҳар ҳокимлиги ва жамоатчилиги вакиллари, маҳаллий вақиллар хорижий журналистлар тўпланиди. Илгари ҳам шу бинода Ўзбекистон бош консулхонаси жойлашган бўлиб, толиблар Мозори Шарифни ишғол қилганидан кейин ёпилган ва вайрона ҳолига келган эди. Виноқисқа вақт ичида аввалгидан ҳам кўркамроқ бўлиб қайта қад ростлади.

Консулхона очилишига бағишланган тантанали маросимни Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигининг шимолий ҳудудлар бўйича вакили Сайд Нурулло очиб,

бу воқеа икки кўшнни ва дўст давлатнинг ташқи фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг Мозори Шарифдаги консули этиб тайинланган Алишер Аҳмаджонов Афғонистонда толиблар ҳукмронлик қилган йиллар давомида давлатларимиз ўртасидаги дипломатик алоқалар узилиб қолгани, бугун эса яхши қўшничилик ва дўстона алоқаларни тиклаш учун имкониятлар пайдо бўлганини таъкидлади. Консуллик мамлакатларимиз манфаатларига, узоқ йиллик уруш туфайли издан чиққан Афғонистон иқтисодини тиклашга, халқаро инсонпарварлик ёрдами сифатида келаётган юкларнинг Ўзбекистон ҳудуди орқали узлуксиз ўтиб туришини таъминлашга, савдо-сотиқ ва сайёҳликни ривожлантиришга ва бошқа кўпгина хайрли ишларни амалга

оширишга хизмат қилишини қайд этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистондаги махсус вакили, Ташқи ишлар вазирлигининг биринчи ўринбасари Содиқ Сафоев бу тадбир мамлакатларимиз учун тарихий воқеа бўлишини таъкидлади. Афғонистонда биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикасининг бош консулхонаси очилишида Президент Ислоҳ Каримовнинг хизматлари катта эканини алоҳида қайд этди.

Давлатимиз мадҳияси янгради. Афғонистондаги бош консулхонамиз узра мамлакатимиз байроғи кўтарилди.

Маросим сўнггида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

**Ч. ТУХТАЕВ**,  
ЎзА махсус муқбири.

## ● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Лейтенант Наним Талканов еше в годы учебы в ТВОКУ большое внимание уделял занятиям по тактической, технической и физической подготовкам. Вот почему о нем, когда выпускался из стен военного училища, сказали: «Один из самых грамотных офицеров».

Теперь он в боевом подразделении учит азам армейской специальности своих подчиненных.

Фото  
**Н. ЮСУПОВА.**



## УЛАР — АРМИЯМИЗ ПРОФЕССИОНАЛЛАРИ

Авалло, «профессионал» сўзи ҳақида бир оз мулоҳаза юритайлик. Ўз касби, ўз соҳаси бўйича маҳоратининг юксак даражасини забот этганларга одатда бу сўз қўлланади. Хўш, шундай экан, армиямиз профессионалларининг қандай тушунмоқ керак? Буни содда қилиб ифодалашга ҳаракат қиламиз. Дунёдаги ҳарбий-сиёсий вазият шунини кўрсатмоқдаки, инсониятга асосан локкал урушлар таҳдид солмоқда. Яъни, бу кичик-кичик гуруҳлар тўқнашуви. Буни бартараф қилиш учун эса кўп сонли қўшни, армияни жалб этиш шарт эмас. Ихчам, тезкор, мобил, замонавий жанговар техника ва қуроллар билан жиҳозланган бўлишда бунинг барчасини бажариши мумкин. Аммо мазкур бўлишдаги аскар масъулияти ва мураккаб вазифаларни адо этиши учун жисмонан, маъна баркамол бўлмоғи керак. Бу мезонларнинг ичига касбий маҳорат ҳам албатта кирди. Дейлик, снайпер вазифасини бажарувчи аскар. У фақат нишонга бехато отишни билса бўлди, деб ўйласак янглишамиз. Ахир нишонга аниқ урадиган ҳар қандай кимса ҳам профессионал бўлолмайди. У маскравка сирларини, жанг тактикасини, ер рельефини ҳарбий топографияни, замонавий жанговар қуролни пухта билмоғи лозим. Маънавий-руҳий ҳолати, дунёқараш ҳам бу ўринда муҳим омил. Келинг, яхшиен бунини ўқув йилида голиб деб топилган, сафларида фақат шартнома бўйича хизмат қиладиган ҳарбийлар бўлган махсус бўлишга мисолида кўриб ўтайлик.

Қишқик ўқув мавсумининг бошларида майор Дилмурод Садриддинов командирлик қиладиган мазкур жамоада бўлиб, ундаги кундалик жанговар ҳаётни кузатдим. Жанговар ҳаёт бошқа қисм ва бўлишлардагидек бадан-

тарбия билан бошланди. Посбонлар бадантарбияга чиниқув машқи сифатида қарашни ҳаракатларидан сезилиб турибди. Бошқа бўлишларда мазкур машқда Низом талабларидаги мажбурият сифатида қаралиши бор гап. Аммо махсус бўлишда иштиёрийлик ҳам ҳукмрон. Ахир, жанговар машқлардаги ютуқ жисмоний машғулотни қандай ўтишга уйғун-да. Турникда тортиладиган посбоннинг ёнига бориб кузатаман. Гаядаси, мушаклари унинг жисмонан бақувват эканлигини кўрсатиб турибди. У билан танишдик. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Отабек Қодиров болаликдан миллий қураш билан шугулланган. Ҳатто спортнинг оммалашаётган бу тури бўйича 3-разряди ҳам бор. «Кечадан икки марта кўп тортидим, турник мушакларни роса тоблайдим», — дейди у. Отабекнинг вазифаси — пулемётчи. Унга бу даражадаги жисмоний тайёргарлиқнинг нима кераги бор, дейишга шоямилман. Утган йилнинг «Зида жанубий сарҳадларимизда» тор шаронтидаги амалий-ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Машқлар давомида сафдошларининг баъзилари толиқиб қолди. Аммо, Отабекнинг жисмоний баркамоллиги ютуқларга омил бўлди. Шу сабабдан чиниқтиришга, мушакларини тоблашга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Бўш вақт бўлди дегунча уни спорт мажмуасидан топасиз.

«Жасорат» медалининг соҳибини шартнома бўйича хизмат старшинаси Абдулла Муродов асл профессионал эканлигини жангда исботлаган. Яъни, Сариснё ва Узун туманларида халқаро террорчиларга қарши олиб борилган жанговар ҳаракатларда Унинг вазифаси — снайпер. Отабекка солиштир-

(Давоми 2-бетда).

● БАЙРАМ ШУКУҲИ

## Тадбир бўлиб ўтди

Дупёда Ватанимиз ҳимоя қилшдек шарафли вазифа ўқ. Миллатидан, irqидан, тағимий келиб чиқиши ва этникодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ўзи мансуб бўлган халқ ва Ватан олдида бурчлидир. Ана шунинг учун ҳам Ватан ҳимоячилари ҳаминша ардоқланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 10 йиллиги ва 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини республикамизнинг барча гушаларида алоҳида кўтаринкилик билан нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг алоқачилар ҳарбий бўлинишида «Қуролли Кучларимиз фахримиз ва ифтихоримиз!» мавзусида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят партия кенгаши ҳамкорли-

гида ташкил этилган тадбир ҳам ана шу санага бағишланди.

Ушбу тадбирни Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов очиб, офицер ва аскарларни касб байрамлари билан табриклади. «Ватанимиз асраш фақат ҳарбийларнинг ёки давлатнинг вазифаси бўлибгина қолмай, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ҳар бир фуқаро бу шарафли вазифа атрофида жипслашиши даркор», — деб таъкидлади у.

Тадбир давомида «Етти гўзал» ансамблининг хонанда ва раққоса қизлари, хушовоз кўшиқчи Анвар Саноев ҳамда «Истиқбол» ёшлар клуби аъзолари ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар.

Шухрат ОРИПОВ.

## Қувончининг чегараси йўқ

Посбоннинг ҳолидан хабар олиш яхши одат. Бу одат мустақиллигимиз шарафати билан анъанага айланган. Давлат ва жамоат ташкилотларидан вакиллар, ота-оналарнинг ҳарбий қисмларда тез-тез бўлишиб, аскарлар билан учрашиб туришлари Ватанимиз ҳимоячиларининг жанговар шайликлари янада мустаҳкамлашларига ижобий таъсир этади. Кайфиятларини кўтариб, кучларига куч қўшади.

Ватан ҳимоячилари кунини умумхалқ байрами ва Қуролли Кучларимиз ўн йиллиги тўйи муносабати билан пойтахтимизнинг Яққасарой тумани ҳокими М. Пўлдошев ташаббуси билан туман давлат ва жамоат ташкилотларидан вакиллар, ота-оналарнинг бир гуруҳи подполковник Қ. Жумаев командирлик қилаётган ҳарбий қисмда бўлишиб, аввало аскарларнинг яшаш шароити, дам олишлари билан яқиндан танишиб чиқишди. Кейин улар билан юракдан суҳбатлашди, байрам билан қизган табриклашди.

Туман ҳокимлиги вакили Хожикбек Урмонов посбонлар учун байрам дастурхони бешига бош-қош бўлди. Ширин паловхонтўра тайёрланди. Тумандан ташриф буришган санъаткорлар аскарларга катта концерт намоиши этишди. Ўйин-кулги, байрам шодонаси узоқ давом этди. Туман ҳокимлиги ҳарбий қисмга телевизор, даамол ва бошқа қимматбаҳо оёвғалар ҳадя этишди.

Учрашув чоғида биз бир неча аскарлар билан суҳбатлашдик. Мана улар нима дейишди.

Оддий аскар Нодир ТУРАЕВ:

— Байрам муносабати билан Яққасарой тумани вакилларининг қисимизга меҳмон бўлиб келишлари қувончимизга қувонч қўшди. Байрамни янада кўтаринки руҳда ўтказишимизга катта ҳисса қўшишди. Биз бундан беҳад миннатдоримиз.

Оддий аскар Улугбек НОРБЕРДИЕВ:

— Халқимизнинг бизни шунча ҳурмат қилиши гайратимизга гайрат, кучимизга куч қўшди. Бизни шунчалик эъзозлашгандан кейин биз унга муносиб бўлишимиз керакда. Ностимизда хушёр бўлишимиз зарур. Биз аскарлар шунини ишонтириб айтганимиз, тинчлигимизга ҳеч ним пугтур етказа олмайди. Мабодо шунақалар топилди қоладиган бўлса, ўз вақтида жазосини олади.

Байрам зўр бўлди. Бунинг учун туман ҳокимлигига катта раҳмат айтамыз.

Оддий аскар Раҳматулло ВАСИЕВ:

— Бизнинг қувончимизнинг чегараси йўқ. Байрам тадбирида жуда катта маданий ҳордиқ чиқардик. Бу бизнинг жанговар шайлигимизни янада юксалтиришга ижобий таъсир этади, албатта.

Зилола МЕЙЛИЕВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ганда унинг гавдаси бир оз кичик. Аммо эпчил, чаққонлиги, ниқобланишни қойилмақом уйдатиши барчага намуна. Замонавий снайперлик қуролни моҳирона ишлата олади. Тоғ шароитида жанг тактикасини ҳам пухта эгаллаган. Энг муҳими, соҳаси бўйича барча сирасорларни индан игнаси-гача билади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай илгор мамлакат армиясидаги ҳамкасби билан бемалол рақобатлаша олади. Абдулла сингари профессионал, сара йиғитларимиз халқаро ҳарбий ўқув машғулотларида ҳам кўпчилигининг, ҳатто америкаликларнинг ҳам ҳавасини келтиргани сир эмас.

Денгиз сатҳидан 2800 метр баландликда ўқув машғулотлари кетмоқда. Шартли душман катта ҳарсанг тош ортида оқиб қазиб, ўзига маскировка қилиб олган. Гуруҳ командири лейтенант Рустам Қувонув душман тактикасини ўзига қарши қўлаб, нистирма қўйди. Шох-шаббалар, тошлар билан ниқобланган нистирмадаги пулемётчи оддий аскар Фазлиддин Қурбонов шартли душман аскарларига қўқисдан ҳужум қилиб, уларни парокандаликка солди. Маскировка остида турган душман эса шерикларига ёрдам бермоқчи бўлиб, яширинган маррасини сездириб қўйди. Хуллас, операция кўнгилдагидек ўтиб, гу-

## УЛАР—АРМИЯМИЗ ПРОФЕССИОНАЛЛАРИ

руҳ аскарлари жанговар вазифани аъло даражада уйдатишди. Бу даражадан кўриниб турибдики, профессионализм ташаббускорлик, интеллектуал шаклланишнинг тақозо этади.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Юрий Пимкин энг замонавий алоқа ускуналари билан ишлади. Маълумки, посбонларда рақия бўлиб, ҳар бир гуруҳ ўз частотасига эга. Биз тараққиёт даврида яшаймиз. Шунинг учун жангда душман ҳам замонавий алоқа ускуналаридан фойдаланиши, ҳаттоки белгиланган частотага тушиб олиб, ҳийлалар ишлатиши мумкин. Оддий аскар Ю. Пимкин эса буларни инobatта олган ҳолда, вазифасига маҳорат билан ёндашади. Ҳатто шартли жангларда ана шундай ҳодисалардан юксак билими билан осонликча чиқиб кетган. Мана, профессионал учун замонавий жанговар техника, қурол-аслаҳани пухта эгаллашнинг аҳамияти.

Командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Донёр Ваҳобов режа бўйича посбонларга мунтазам тезкор ахборот бериб боради. Ўз навбатида

бўлаётган воқеа-ҳодисаларга уларнинг муносабатини ҳам тинглайди. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларининг ҳар бирини юксак савияда ўтади. Дейлик, у диний экстремизм ва халқаро терроризм мавзусида мутахассисларни жалб қилиб, қўшимча адабиётлар топиб, аскарларга машғулот ўтмоқда. Бир сўз билан айтганда, кўл остидагиларнинг дунёқарашини шакллантиряпти. Аскарлар Ватанимиз ҳимоя қилишдек муқаддас бурчларига онгли равишда қарши-муқаддалар. Мана, профессионалларнинг тайёрлашда тарбиявий ишнинг аҳамияти.

«Улар — армиямиз профессионаллари» деган сўзни фахр, гуруҳ билан айтишимиз учун посбонлар ҳар томонлама шаклланиб бўлмаган керак. Айрим сифатларини юқорида айтиб ўтдик. Қуролли Кучларимизнинг 10 йиллик тўйи шодоналаридан шунинг қувонч билан таъкидлаш жоизки, Президентимиз — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини орзу қилган профессионаллашув аста-секин буй кўрсатмоқда. Бу — ислохотларимиз ҳосиласи.

Капитан А. САФАРОВ,  
«Ватанпарвар» муҳбири.

## БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Ватан ҳимоячилари кунини Қўқон шаҳрида катта тантанаси билан қутқаришди.

Шаҳар мудофаа ишлари бўлими, «Нуроний», «Маҳалла» жамағамалари, «Намолот» ёшлар ижтимоий ҳа-

ракати ва бошқа жамоатчилик ташкилотчилари томонидан тузилган махсус гуруҳ вакиллари шаҳардаги ҳарбий қисмларда бўлиб аскарларнинг ҳаёти, турмуши билан яқиндан танишдилар.

Санъаткорлар аскарларга катта концерт намоиши этишди.

Шаҳар ҳокими Абдуҳаким Хўжаев ҳарбий хизматчилардан бир гуруҳини совғалар билан тақдирлади.

«Туркистон-пресс»,  
(Фарғона вилояти).



● МЕСТО СЛУЖБЫ — ВНУТРЕННИЕ ВОЙСКА

### УДОСТОЕН КРАПОВОГО БЕРЕТА

В части, где помощником начальника штаба по боевой подготовке капитан А. Утемураев, большое внимание уделяется физической подготовке военнослужащих. Здесь регулярно проводятся спортивные состязания, к которым привлекаются как отдельные военнослужащие, так и подразделения — взводы и группы.

В выходные и праздничные дни очень популярны спортивно-массовые состязания в виде военизированных эстафет с максимальным

участием военнослужащих срочной службы, офицеров и военнослужащих по контракту. Наиболее активные их участники — подразделения, которыми командуют старший лейтенант Ш. Балтабаев и лейтенант Ш. Амруллаев. А среди групп лучшей по праву считается группа лейтенанта Ш. Кадирова.

Интенсивная спортивная жизнь части приносит свои плоды. Когда в декабре 2001 года в Ташкенте проводились испытания военнослужащих внутренних войск на право носить краповый берет, наш сержант контрактной службы К. Серикбаев был одним из лучших и преодолел все препятствия, этого права добился с честью.

Младший сержант  
А. КЫСТАУБАЕВ.

● У ВОИНОВ-ПОГРАНИЧНИКОВ

### НАРУШИТЕЛЬ ВЫХВАТИЛ НОЖ...

...Однако и попытка применения холодного оружия не помогла «удальцу» преодолеть преграду — пограничный наряд.

Для перехода границы трое нарушителей из сопредельного государства выбрали ночь — авось, удастся пройти незамеченными. Для храбрости распили спиртное и пошли напролом.

Безмолвная ночная степь, казалось, надежно поглотила путников, крадущихся еле заметной тропиной, Ка-

залось, все прошло удачно — перешли линию границы, теперь можно выйти на близлежащее шоссе.

Но вдруг неожиданно произошло: «Стой!». На пути незваных гостей словно из-под земли появился пограничный наряд во главе со старшим сержантом С. Таировым. Однако неизвестные, разгоряченные алкоголем, не желали подчиниться требованиям пограничников. Появив, что уйти не удастся, один из нарушителей внезапно выхватил нож и бросился на старшего наряда. Но воины были начеку — в считанные секунды обезоружили хулигана и передали нарушителей подоспевшей тревожной группе.

Майор Ш. КАРИМБАЕВ.

В подразделениях одними из лучших воинов-автомобилистов являются военные водители сержант по контракту Фарход Саидов (на снимке слева) и младший сержант по контракту Абдулхафиз Касымов.

Они еще задолго до начала зимнего периода обучения привели в порядок свою технику, подготовили ее к эксплуатации в зимних условиях. Благодаря четкому и своевременному обслуживанию своей техники, еще ни на одних многокилометровых маршах у этих воинов не было поломок автомобилей.

На снимке: сержант по контракту Фарход Саидов и младший сержант по контракту Абдулхафиз Касымов во время обслуживания машины после очередного рейса.

Фото Н. ЮСУПОВА.

ПОНЕДЕЛЬНИК, 21.01

8.00, 14.00 Мультипликационный фильм «Черный пират».

ВТОРНИК, 22.01

8.00, 14.00 Мультипликационный фильм «Черный пират».

22.40, 4.45 Вас приглашает ансамбль «Самодельцы»

23.10 Художественный фильм «Путешествие мсье Перришона».

СРЕДА, 23.01

8.00, 14.00 Мультипликационный фильм «Черный пират».

ЧЕТВЕРГ, 24.01

Профилактика до 20.00. 20.00, 5.15 II Международный телевизионный форум «Вместе».

ПЯТНИЦА, 25.01

8.00, 14.00 Мультипликационный фильм «Черный пират».

СУББОТА, 26.01

8.00 Программа мультфильмов.

17.15 «Документальный экран»

18.05 Канал КП. 18.55, 3.00 Художественный фильм «Графиня Шереметева».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 27.01

8.00 Программа мультфильмов.

К СВЕДЕНИЮ АБОНЕНТОВ КАБЕЛЬНОГО ТЕЛЕВИДЕНИЯ

В сетке вещания российских ТВ-каналов возможен временные изменения.

21 ЯНВАРЯ



6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

17.05 Вести. 17.30 «Намечена».

16.25 «Автосалатанат».

17.10 Спортивный ежедневник.

16.25 «Автосалатанат».

21.00 Бир жуфт кунин.

20.10 Голос молодежи. 20.35 «Асрга тенгдош хотирлар».

17.30 Фильм «Галгамет», 1-я серия.

17.05 Вести. 17.30 «Намечена».

15.00 Новости (с субтитрами).

15.15 «Ералаш». 15.25 Комедия «Эх, прощай!».

17.30 Фильм «Галгамет», 1-я серия.

17.05 Вести. 17.30 «Намечена».

17.40, 20.40 «Криминал».

7.20, 8.25, 11.45 «Взрок». 7.30, 8.15 «Большие деньги».

17.30 Фильм «Галгамет», 1-я серия.

17.05 Вести. 17.30 «Намечена».

1.00 Канал КП. 1.30 «Неуловимые зэмы».

1.30 «Неуловимые зэмы». 1.50 «Взгляд».

1.50 «Взгляд». 2.00 «Секретная информация».

2.00 «Секретная информация». 2.15 «Секретная информация».

2.15 «Секретная информация». 2.30 «Секретная информация».

2.30 «Секретная информация». 2.45 «Секретная информация».

2.45 «Секретная информация». 3.00 «Секретная информация».

3.00 «Секретная информация». 3.15 «Секретная информация».



Хамма ва ҳар бир киши учун

● КЎЗГУ ОЛДИДАГИ АЕЛ

СОЧ ВА УНИНГ ПАРВАРИШИ

Агар сочингиз ялтираб тур...



Хўл сочни қуёш тигида қуритишга одатланманг...

Ўсимлигидан бирор хили ювилган бош терисига уқалаб сингдирилади...

Маълумки, аёлнинг ёши ўта борган сари соч толалари ингичка тортиб...

З. ИСОҚОВА тайёрлади.

● БУ ҚИЗИҚ

«ТИТАНИК» ФОЖИАСИНИНГ БАШОРАТИ

1912 йилда улкан кема «Титаник» айсбергга, яъни муз тоғига тўқнашиб...

Езувчи Морган Роберт

соннинг «Титан ҳалокати» романи 1898 йилда чоп этилган...

Русчадан И. ҚУРБОНОВ таржимаси.

АСИР ТУШГАН ПРЕЗИДЕНТ

Ҳаётда инсон турли вазиятларга тушиб қолиши мумкин...

● ЧТО? ГДЕ? КОГДА?

ПРОИЗОШЛО ВПЕРВЫЕ

Первая регулярная авиалиния, перевозившая пассажиров...



На линии летали бипланы с открытой кабиной...

Первая международная линия соединила в марте 1919 года Париж и Брюссель...

ная линия была открыта 1 сентября 1919 года по маршруту Тулуза — Барселона — Танжер...

Первый прием пищи во время полета состоялся на трассе Лондон — Париж 3 ноября 1919 года...

Первым стюардом-мужчиной был Джек Сандерсон, начавший работать в компании «Дамлер Эйрвейз»...

Первой стюардессой стала Эллен Черч, медсестра из штата Айова, которая 15 мая 1930 года приветствовала пассажиров на борту «Бойнга-80А»...

Подготовил П. САИДИВАЛИЕВ.

● ПОЛЕЗНЫЕ СОВЕТЫ

УХОД ЗА ВЕЩАМИ ИЗ АНГОРЫ

Как сохранить подольше красивые и уютные вещи из ангоры? Надо правильно их стирать...



мальной температуры и гладьте им, слегка похлопывая изделие через трипочку...

ПРИЗОВОЙ ФОНД ДЛЯ ВОРИШКИ

Пожалел ворнишку Джими Доук из Вашингтона. В магазине у 35-летнего авто-слесаря уквали кредитную карточку...

точку еще сто баксов призовых.

БУИИ БУИИГА МОС...

Канадалик Анна Ханен Сваи (1846—1888) деган аёлнинг буйи 2 метру 27 сантиметр эди...

Шу тариқа бахтли жуфт дунёдаги энг дароз эр-хотин бўлиб қолди.

ОБЪЯВЛЕНИЯ

56-54-76

РЕКЛАМА

КУПЛЮ

◆ ВМ-12, «Комету-225», магнит., усилит., АС. Т.: 78-56-34, 56-27-39.

◆ Холод., мороз., ВК, шв. маш., овер., газ, пл., ТВ. Т.: 90-73-29.


ПРОДАЮ

◆ Холод., мороз., Т.: 90-99-29.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 15 январдан бошлаб валюта операцияларни бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: /

1 АҚШ доллари 638,90 \*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.



Турфа олам

СУД ҚИЛИНГАН ҚОВУН

Франция қироли Генри IV тушлик чоғи қовун еганидан сўнг бирдан соғлиги ёмонлашади. Табиблар касалликка қовун сабабчи деган ҳулосага келишади...

